


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2019



**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.Э.Мадраҳимов

Тартибланган статистикалар учун концентрация функциясининг баҳолари	5
B.T.Samatov, U.B.Soyibboev, U.A.Mirzamahmudov	
Иккинчи тартибли дифференциал ўйинлар	12
	КИМЁ

И.Р.Асқаров, А.С.Хожиқулов

Йод танқисларини бартараф этишда ишлатиладиган дори воситалари ва уларнинг кимёвий таркиби.....	19
Ш.Ш.Турғунбоев, А.Х.Хайтбаев	
Бетулон кислотасини синтез қилиш	24
Д.Т.Хасанова, И.Р.Асқаров	
Пивони кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш	29

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

В.Махмудов

Маданийлаштириш шароитларида Agropyron Cristatum (L.) Beauv. нинг катта ҳаётий цикли.....	36
М.Холиқов, Ё.Ахмедова	
Қора калхат (<i>milvus migrans</i>)нинг Фарғона водийсида ҳаёт цикли ҳақида.....	43

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

М.Исағалиев, М.Обидов, Р.Матҳолиқов

Доривор <i>capparis spinosae</i> морфогенетик ва биогеокимёвий ҳусусиятлари	45
Н.Ж.Халилова	
Суғориладиган типик бўз тупроқларнинг морфогенетик ҳусусиятлари	49
А.Турдалиев, К.Асқаров, Н.Ходжибалаева	
Суғориладиган тупроқларда лантаноид ва радиоактив элементларнинг геоэнергетик ҳусусиятлари	52

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

Э.Мўйдинов, З.Таджибаев, А.Мирсадиков, М.Мўйдинов

Кластер: назария ва амалиёт	57
А.Мирсадиков	
Ҳудудларда хизмат қўрсатиш соҳаларига инвестицияларни жалб қилиш механизмларини такомиллаштиришнинг назарий асослари	62

ТАРИХ

Э.Раҳмонов

Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли тоифаларини ҳимоялаш сиёсати: муаммолар ва илк натижалар (1991-2000 йй., Фарғона водийси мисолида).	65
А.Азизов	

Фарғона водийси аҳолисининг уй ҳайвонлари билан боғлиқ тасаввурлари (қўй мисолида)	69
--	----

Б. Усмонов

Темурйлар даврида Фарғона боғдорчилиги	73
--	----

С.А. Хошимов

Миллий сиёсий мухолифатга қарши тазийқ ва таъқиблар	76
---	----

Р.Х.Максудов

Музей – халқ тарихининг кўзгуси	80
---------------------------------------	----

О.А. Кличев

Бухоро амирлигига элчиларни кутиб олиш тартиби (xix асрнинг иккинчи ярми - xx аср бошлари).....	83
---	----

О.В.Махмудов

Ўрта аср Испания таржима марказларида лотин тилига ўғирилган асарлар (I қисм: аниқ фанларга оид китоблар)	87
---	----

УДК: 93/99+006.95

МУЗЕЙ – ХАЛҚ ТАРИХИННИГ КҮЗГУСИ
МУЗЕЙ – ЗЕРКАЛО ИСТОРИИ НАРОДА
MUSEUM IS A MIRROR OF THE HISTORY

Р.Х.Максудов

Аннотация

Мақолада Фарғона давлат университети тузилмасидаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи ҳақида баттафсил маълумотлар берилган. Музей жойлашган асосий бино тарихи ёритилган.

Аннотация

В статье даются обширные сведения о музее Памяти жертв репрессии, входящем в структуру Ферганского государственного университета. Освещена история главного корпуса, в котором расположен музей.

Annotation

The article presents broad information about the museum “Memory of Victims of Repression” which is situated in the structure of Fergana state University. The history of the main building where the museum is situated is exposed.

Таянч сўз ва иборалар: музей заллари, экспозиция, экспонатлар, қўлёзмалар, фотосуратлар, асосий бино, архив хуҷоатлари, тарихий буюмлар, миллый қадриятлар.

Ключевые слова и выражения: залы музея, экспозиция, экспонаты, рукописи, фотографии, главный корпус, архивные документы, исторические предметы, национальные ценности.

Key words and expressions: halls of the museum, exhibition, manuscripts, photographs, main building, documents of the archive, historical objects, national manners.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳудудлардаги Олий таълим муассасалари тузилмасида “Қатағон қурбонлари хотираси” музейларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан 2018 йили Фарғона давлат университети тузилмасида “Қатағон қурбонлари хотираси” музейининг ташкил этилиши мустабид тузум давридаги оммавий қатағонлар туфайли қурбон бўлган, инсонлик шаъни, ғурури топталган ватандошларимизнинг хотирасини тиклашда, мамлакатимиз тарихида рўй берган ижтимоий-сиёсий, маданий воқеалар ва қатағон сиёсатининг салбий оқибатларини холисона ўрганишда, фуқароларимиз, айниқса, ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйгуларини янада кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Фарғона давлат университети тузилмасида ташкил этилган музейнинг очилиш маросими 2018 йил 17 август куни бўлиб ўтди. “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи миллый маънавиятимизнинг юксалишида тарихий аҳамиятга эга бўлган масканлардан биридир. Фарғона давлат университетида бугунги кунга келиб ҳалқ ва Ватан тарихини ёдимизга солувчи ана шундай “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи фаолият олиб бораётганлигини мамнуният билан таъкидлаш ўринлидир. Чунки ҳозирги Фарғона давлат университетининг асосий биносида турли йилларда турли ташкилот ва муассасалар фаолият олиб борган. Мазкур бино 1903 йилда бунёд

етилган бўлиб, айнан шу йилнинг 2 декабрядан шу ерда эркаклар гимназияси ўз фаолиятини бошлаган. 1918-1920 йилларда эса бинода Туркистон Ҳарбий Округи штаби фаолият олиб борган. Кейинчалик бу тарихий бино Ўзбекистон Маориф Ҳалқ Комиссариатининг 1930 йил 6 майдаги қарорига мувофиқ 3 йиллик ўқитувчилар тайёрлаш Олий педагогика институтига топширилди. Мустақиллик шарофати билан Фарғона давлат педагогика институти 1991 йилнинг март ойида Фарғона давлат университетига айлантирилди.

Истиқлол йилларида миллый қадриятларни тиклаш, тарихимизни холис ва ҳаққоний ўрганиш, азиз сиймолар хотирасини эъзозлаш, маданиятимиз ва санъатимиз ривожига ҳисса кўшган ижодкорлар фаолияти, уларнинг бой маънавий меросини тадқиқ этиш, тарғиб ва ташвиқ қилиш, тарихий адолатни қарор топтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримовнинг 2001 йил 1 майда қабул қилган «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармонида шундай дейилган: «Эл-юртимиз озодлиги ва эркинлиги йўлида, ҳалқимизнинг қадр-қиммати, ор-номусини, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизни ҳимоя қилишда, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машақатли курашларда қурбон бўлганлар хотираси миннатдор авлодлар ёдида абадий сақланиб қолади. Мустабид тузум даврида

Р.Х.Максудов - ФарДУ ректори, техника фанлари доктори, профессор.

ТАРИХ

миллионлаб бегуноҳ инсонларнинг умри хазон бўлганини, қанчадан-қанча оиласлар хонавайрон бўлиб, гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди».

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 22 июлда “Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди ва шу асосда Фарғона давлат университетида ташкилий ишлар амалга оширилмоқда.

Университетимиз ўтган йиллар давомида шаклланиш, тикланиш, юксалиш босқичларини босиб ўтди. Унинг бой ижодий ва тарихий йўли Фарғона водийси, қолаверса, бутун республикамиз ижтимоий-иктисодий ва маданий ҳаётида ўзига хос учмас ва тарихий из қолдирди. 2015 йил 21 ноябрь куни Фарғона давлат университети (собиқ Фарғона давлат педагогика институти) ташкил топганлигининг 85 йиллиги муносабати билан унинг тарихини акс эттирувчи “Ўқув, илмий ва маънавият маркази” очилди. Шунингдек, Фарғона давлат университетининг тарихи ҳамда унда фаолият олиб борган академик ва профессор-ўқитувчиларнинг библиографик маълумотини акс эттирувчи икки жилдли китоб нашрдан чиқарилиб, унинг биринчи жилди “Тарих ва юксалиш йиллари”, иккинчи жилди “Илм ва таълим фидойилари”, деб номланди. Шунингдек, музей экспозициясини ташкил этиш учун керакли бўлган ашёлар базаси яратилди. Тегишли архив ҳужжатлари, фотосуратлар, ашёвий буюмлар, китоблар, видео материаллар тўпланди. Вилоятимизнинг барча музейларида сақланаётган қатағон даврига оид экспонатлар, керакли ҳужжатлар ишчи груп аъзолари томонидан музейга олиб келинди. Музей экспозициясида Ўрта Осиё (Туркистан)нинг чор Россияси томонидан босиб олинишидан бошлаб бугунги кунгacha бўлган даврдаги воқеалар акс этган материаллар 5та кўргазмалар залида намойишга қўйилган.

1-зал - Биринчи Президентимиз И.А.Каримов ҳаётини акс эттиришга бағишланган. Унда Президентимиз Ш.М.Мирзиёев қарорига асосан Биринчи Президент, давлат арбоби, мустақиллик

асосчиси, ҳалқимиз қалбида чуқур из қолдирган И.А.Каримов таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан барча олий ўқув юртларида унинг хотирасига бағишилаб заллар ташкил этиш юзасидан қарор қабул қилинган эди. Шу муносабат билан 2018 йил 30 январь куни И.А.Каримовнинг хотирасига бағишилаб университет музейида унинг сиёсий фаолияти ва ҳаётини акс эттирувчи зал ташкил этилди.

2-зal. Фарғона давлат педагогика институтининг 1930-1991 йиллардаги ўқув, илмий, маърифий жараёнларини акс эттирган мазкур залда ушбу даврда фаолият олиб борган академик ва профессор-ўқитувчиларнинг қўлёзмалари ҳамда бошқа экспонатлар жойлаштирилган.

3-зal. Фарғона давлат университетининг бугунги кунига бағишланган бўлиб, у 1991 йилдан ҳозирги даврга қадар университетнинг ўқув, илмий, маънавий-маърифий соҳадаги ишларини ҳамда фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилар, факультетлар, кафедралар, бўлимлар ҳақидаги маълумотларни ўзида акс эттирган фотосурат ва турли ашёлар билан безатилган. Бу залдаги суратларда ўзининг истеъдоди билан чемпионлик шоҳсупасини эгаллаган талабалар фаолияти ҳам ифодасини топган. Шунингдек, академик ва профессор-ўқитувчилар томонидан чиқарилган дарсліклар, авторефератлар ҳам экспонатлар қаторидан ўрин эгаллаган.

4-зal. - Мустақиллик зали ҳисобланади. Ушбу зал миллий қадриятларимиз, урфодатларимиз, анъаналаримиз ва расм-русларимизнинг мустақиллик йилларида қайта тиклангани тўғрисидаги, шу билан бирга, миллий байрамларимизни акс эттирувчи фотолавҳа, экспонат ҳамда турли маълумотларни ўзида жамлагани билан ажralib туради. Жумладан, у Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг ilk марта Президентликка қасамёд қабул қилаётган чоғини акс эттирувчи фотосуратлар, шунингдек, соҳибқирон Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Жалолиддин Мангуберди каби буюк бобокалонларимиз ҳаёти ва фаолиятини ёритувчи манбаларнинг ўрин олганлиги билан аҳамиятлидир. Ушбу залда бизнинг миллий ва маънавий бойлигимиз ҳисобланган “Алномиш”, “Авесто” каби қадимий қўлёзмалар ҳақида маълумотлар берилган. Муқаддас китобимиз Қуръони Карим, миллий байрамларимиз – “Курбон ҳайит”, “Рамазон ҳайит”, “Наврӯз” байрами, Самарқанд, Бухородаги муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар ҳамда

Фарғонанинг Ўзбекистондаги ўрни, бугунги куни, Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг Фарғона шаҳрига ташрифи чоғида ёшлар билан ўтказган учрашувлари түғрисидаги маълумотлар жой олган.

5 - зал ва кириш қисми Қатағон қурбонлари хотирасига бағишиланган. Уларда қатағон қилинган маданият, санъат ва давлат арбобларининг аянчли қисмати, “Пахта иши”, “Ўзбек иши” компанияларининг халқ устидан ўтказган тазииклари, “коллективлаштириш” сиёсати, “қулоқ” қилиш туфайли халқнинг тортган жабру ситамларини акс эттирувчи экспонатлар, тарихий ҳужжатлар, ёзма манбалар жой олган. У ерда қатағон этилган шахсларни жазолашда қўлланилган кишанлар ҳамда турли давларга оид тарихий буюмларнинг қўйилганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, ўша давларга оид кийимлар - чопон, паранжи, шинель ва бошқа ҳарбий кийимлар мавжуд. Бу залда XX аср бошларида Германияга ўқишига юборилган ўзбек йигит-қизларининг кейинчалик “немис айғоқчиси” деган нотўри айбловлар билан қамоққа олинниб сургун қилинишлари, “Пахта иши”, “Ўзбек иши” компанияларининг оғир оқибатлари, сохта тухматлар билан қораланган Шароф Рашидов, генерал-майор Салим Собиров, Тожиҳон Шодиева каби давлат арбобларининг ҳаёти ва фаолиятларига оид маълумотлар ўрин олган. Шу билан бир қаторда, шароити оғир ҳудудларда, қурилишларда маҳбуслар меҳнатидан фойдаланиш, Узоқ Шарқдан Ўзбекистонга корейсларнинг кўчирилиши, поляклар, қrim татарлари ва месхети туркларининг депортация қилиниши, давлат арбоблари, адабиёт ва санъат намояндаларининг қатағон қилиниши,

Украинага сургун қилинган юртдошларимиз ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилган.

Бугунги кунда музейда 680 тадан зиёд экспонат, 700 тага яқин қўлёзма, 600 тадан зиёд тарихий фотосурат сақланмоқда. Шу ўринда музейнинг ташкил топишида ташаббускор бўлган музей директори, фидойи инсон, биология фанлари номзоди, доцент Собиржон Мамасолиевич Сиддиқовнинг алоҳида хизматлари таҳсинга лойиқ эканини таъкидлаб ўтиш лозим.

Музей мустабид тузум давридаги оммавий қатағонлар туфайли қурбон бўлган, инсонлик шаъни, ғурури топталган ватандошларимизнинг хотирасини тиклаш, мамлакатимизда рўй берган ижтимоий-сиёсий, маданий воқеалар ва қатағон сиёсатининг салбий оқибатларини холисона ўрганиш, фуқароларимиз, айниқса, ёш авлод қалбida ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, ҳар йили музейда “Хотира боқийдир, қадр муқаддас”, “Хотира абадий, инсон кадри азиздир”, “Аждодлар хотираси - муқаддас” мавзуларида ҳамда 31 август - Қатағон қурбонларини ёд этиш кунига бағишилаб ўтказилаётган турли тадбирлар шулар жумласидандир. Мазкур тадбирларда иштирок этаётган ёшлар аждодларимизнинг маънавий жасоратидан озуқа олиб, мустақилликнинг олий неъмат эканлигини яна бир карра ҳис этмоқдалар.

Буларнинг барчаси ёшларимиз қалбida аждодларимиз руҳига эҳтиром, ижтимоий адолат тантанасига ишонч, истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик туйғуларини уйғотиши шубҳасиздир.

References:

1. Uzbekiston Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Samarcand shahrida Uzbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti Islom Karimov maqbara majmuasining ochilishiga bag'ishlangan marosimdağı so'zi. // "Xalq so'zi" gazetası. - 2018 yil 31 yanvar, № 20 (6978).
2. Farg'ona davlat universiteti. Tarix va yuksalish yillari. 1-jild. –“Farg'ona” nashriyoti, 2015.
3. Farg'ona davlat universiteti. Ilm va ta'lim fidoyilari. (Bibliografik ma'lumotlar). 2-jild. –“Farg'ona” nashriyoti, 2015.